

(Давоми.)**Боши 1-саҳифада)**

Биринчидан, республикадаги олий таълим муассасаларининг ахборот ресурслари имкониятлари бирлаштирилади. Яъни, турли олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари базасида мавжуд адабиёт, дарслик, ўқув-услубий ва бошқа кўлланмалар рақамли форматга ўтказилиши, шу орқали уларнинг электрон платформаси яратилиши муҳим интеллектуал ресурслар интеграцияси бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, республикадаги олий ўқув юртлирининг ахборот-ресурс марказлари адабиётларини ўзида жамлаган улкан электрон кутубхона шаклланди. Ахборот-ресурс марказлари ўзларидаги

мавжуд адабиётларни тақдим этади, натижада муайян адабиётга эҳтиёжи бор бўлган талаба бундан фойдаланади.

Иккинчидан, дарслик, ўқув, методик, бадиий ва бошқа адабиётларнинг ягона ахборот қидирув тизими жорий этилиши республика олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилаётган адабиётларни оммалаштириш, улардан тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабаларнинг фойдаланиши имкониятини кенгайтиради. Айни вақтгача китобхоналарга электрон китоблар улашаётган интер-

нет сайтлари ҳам мавжуд. Қайд этиш жоизки, улардаги мавжуд адабиётларнинг сони кўп эмас. Аммо, яратилган ягона ахборот

ча талабалар контингентига мос келавермайди. Лекин, талабаларнинг имкон даражасида энг охири яратилаётган янги авлод адабиётлари билан ишлашларига эришишимиз лозим. Ай-

оммалаштириш имкониятини яратди.

Умуман олганда, қабул қилинаётган Фармон ўзида юқорида айтиб ўтилган бир қатор истиқболли лойиҳаларни ўзида муҳасамалашгани билан аҳамиятли. Таълим тизими фаол ислоҳ қилинмоқда. Узлуксиз таълимнинг барча босқичлари янгиланиш сари дадил одимламоқда. Ўқув жараёни сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Эндиги вазифа — бизга билдирилаётган ишонччи оқлаш, ҳақиқий рақобатбардош кадрларни шакллантириш.

Ш.С. ШАРИПОВ,
Жиззах давлат
педагогика институтининг
ректора, проф.

БИЗ КУТГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

қидирув тизими олий таълим муассасаларидаги минглаб адабиёт, дарслик, ўқув-услубий кўлланмаларни электрон форматини тақдим эта олади.

Учинчидан, нашр этилаётган адабиётлар, хусусан, дарслик ва кўлланмалар адади ҳамма вақт ҳам бар-

нан дарслик, кўлланма ва бадиий адабиётларнинг электрон форматини шакллантирилиши мазкур бўшлиқни тўлдирди. Олимлар томонидан нашр этилаётган адабиётларни электрон вариантини тақдим этилиши илмий тадқиқот янгиликларини тезда

Тарихнинг биз билмас сир-синоатлари ҳали-ҳамон жуда кўп. Худди шундай, миллий ооздлик йўлида жанг қилган ота-боболаримиз ва уларнинг қахрамонликлари қанчайин вақт ўтмасин авлодлар хотирасида сақланиб қолажак. Бу давр, яъни долғали йиллар тарихи ҳақида кичик изланишларимизни Жиззахлик жадидлар мисолида келтирмоқчимиз.

Жиззахлик жадидлар қимлар эди? Биринчи навбатда ушбу саволга ойдинлик киритиб оласан. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан сақланаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Комил қори Бобонон ўғли, Зиё қори Абдуллаев, Назирхўжа Абдусаломов ва Нуриддинхожи Маъруфхўжаевлар Жиззах уездининг жадидлари ҳисобланган.

Демак, фикримизни далиллаганга уриниб кўрсан. Яъни, бунда воқеликлари Жиззах кўзғолони мисолида кўриб чиқамиз.

1916 йилда Туркистоннинг барча худудларида бошланган миллий-ооздлик ҳаракати Жиззах уездида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Натижада ооздлик ҳаракати "Жиззах кўзғолони" ёки "Жиззахда миллий-ооздлик ҳаракати" номи билан тарихга кирди. Кўзғолон миллий-ооздлик кураши характерига эга бўлиб, пухта ўйланган, олдиндан режалаштирилган мустақиллик учун кураш эди.

Миллий-ооздлик ҳаракатининг гоёвий раҳнамолари Жиззахлик Назирхўжа Абдусаломов, Зиё қори Абдуллаев, Муҳаммад Хўжаев, Комил қори Бобонон, Муҳаммад Ашуров, боғдонлик Абдурахмон жевачи Абдурахмон, Сангзор волостидан ака-ука Тўракул ва Эшонкул Тўрабеков, Зомин волостидан Турдибой Худойназаров ва Карим Орзиқуловлар эди.

Россия императори Николай II нинг 1916 йил 26 июндаги мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини бекор қилишни талаб қилган Туркистон жадидчилик ҳаракати намоёндалари Самарқандда навбатдаги ўз йиғинларини ўтказдилар.

Йиғинда Туркистонда фармон бекор бўлмас миллий-ооздлик курашини бошлаш тўғрисида келишиб олинди. Туркистон жадидларининг йиғилишида Жиззахдан Комил қори Бобонон ўғли қатнашди.

Комил қори Бобонон ўғли Жиззахга келган Назирхўжа Абдусаломов, Зиё қори Абдуллаев, Муҳаммадраҳим Абдурахимовлар билан маслаҳатла-

шиб, Туркистоннинг бошқа вилоятларидаги жадидчилик намоёндалари билан алоқа ўрнатиш учун Назирхўжани Тошкентга, Мулла Иброҳим билан Мулла Давронбекни Самарқандга, Муҳаммадраҳимни Боғдонга юборди.

Мазкур тадбирлардан хулоса қилиш мумкинки, Жиззахлик жадидлар ўлкадаги бошқа жадидлар билан мунтазам алоқа қилиб туришган.

Жиззах кўзғолони 1916 йил 13 июл куни Жиззахнинг эски шаҳар мавзеида бошланди. Кўзғолончилар шаҳар оқсоқоли Мирзаёр Худоёроҳоновдан мардикорликка олинувчилар рўйхатини беришни талаб қилдилар. Ундан рад жавобини эшитган кўзғолончилар Мирзаёрни калтақлаб ўлдирдилар. Мардикорлик рўйхатини топиб уни ёқиб юборишди.

Шундан сўнг кўзғолончилар Жиззахнинг янги шаҳри Бешқувурдаги уезд ҳокими маҳкамасига юриш қилдилар.

Маҳкамага етмасдан кўзғолончилар Сангзор дарёси бўйидаги Тошлоқ мавзёида Жиззах уезди ҳокими полковник П.И.Рукин, штабс-капитан П.Д.Зотоғолов, маҳаллаи мираншо К.Жуманбоев, соқчи аскар Гриценко, тилмоч М.Зокиржонов ва отлик соқчилар гуруҳига дуч келдилар. Истиқлолчилар душманга қарши жангга кирдилар ва Жиззах уезди ҳокими полковник П.И.Рукин ва бошқа мустамлакачилар ўлдирдилар.

Жиззах шаҳри истиқлолчилар томонидан эғалланган Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида мустамлакачиларга ҳарбий кўмак келишини олдини олиш мақсадида темир йўллар бузилиб, телеграф алоқа симлари

узиб ташланди. Жиззахни Тошкент шаҳри билан боғловчи Обручево, Ломакино, Куропаткино, Ростовцево темир йўл бекатларидаги олтита темир йўл кўприклари бузиб ташланди.

Жиззах шаҳридаги истиқлолчилик ҳаракатидан руҳланган Жиззах уездининг Зомин, Ём, Янгикўрғон, Сангзор, Боғдон, Равот, Қоратош, Усман каби волостларида ҳам ооздлик учун кураш бошланди. Улар Жиззахлик курашчиларга ёрдам бериш ва кучларни бирлаштириш мақсадида Сангзор, Бо-

катининг фаол аъзолари: Зиё қори Абдуллаев, Комил қори Бобонон, Назирхўжа Абдусаломов ва Нуриддинхожи Маъруфхўжаевлар дала ҳарбий судининг қарори билан қатл этиладилар.

1916 йил 24 ноябрда генерал-лейтенант Игнатъевич, ҳарбий прокурор Перепиловский иштирокидаги ҳарбий дала суди ҳукми билан 24 нафар кўзғолончи осишга, 97 нафари Сибирга сургун қилишга ҳукм қилинди.

Кўзғолон бостирилган Жиззах шаҳри аҳолиси босқинчилар томонидан Қили ва Учтепа чўлларига сургун қилинган. Шаҳар босқинчилар томонидан таланган ва ёқиб юбо-

ДОЛҒАЛИ ЙИЛЛАР САДОСИ

ЎЛКАМИЗ ТАРИХИНИ УРГАНАМИЗ



дон, Зомин волостларидан 3 мингдан кўпроқ кўзғолончилар Жиззах шаҳри томон йўл олади.

Бундан хабар топан подполковник Афанасьев Туркистон генерал-губернаторлигидан ҳарбий ёрдам сўрайди ва Жиззахга қўшимча равишда полковник Иванов бошчилигида 13 рота аскар, 3 рота казак жангари отряди, 3 рота сапёрлар, 6 та тўпли батарея - ҳаммаси бўлиб 2,5 минг кишилик жазо отрядини юборади.

1916 йил 21 июнда истиқлолчилар ва мустамлакачиларнинг қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлади. Жангда истиқлолчилар енгилди. Жиззах кўзғолони бостирилиб, Жиззахдаги жадидчилик ва ооздлик ҳара-

рилган.

Умуман олганда, мазкур тарихий жараёнлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жиззах кўзғолонининг асл ҳаракатлантирувчи кучлари жадид улomalари эди. Бошқа худудлардан фарқли равишда Жиззахлик жадидларнинг миллий ооздлик ҳаракати нафақат гоёвий ижтимоий-сиёсий, балки, қурол кучи билан бўлсада ооздлик таъминоти, барча ноҳақлик ва зулмга чек қўйишни назарда тутган.

Абдуғаффор
АБДУРАҲМОНОВ,
магистрант.

Газетамизда бериб борилаётган материалларни телеграмм каналимизнинг кўйидаги манзили @ziyo_levuz орқали кузатиб боринг. Биз билан боғланиш: +998995062246, +99893 298 22 12

Тил умумбашарий қадрият, инсониятга ато этилган улуғ ва олий неъматдир. Ўзбек тили ўзбек миллатининг қадрияти сифатида қанчалик эъзозга сазовор бўлса, у шунчалик эъзоз билан ўрганилиши, илмий тадқиқ этилиши зарур. Тил муқаддас ва мўътабар олий неъмат, у одам деган шахсни шакллантирган, қавмларни бирлаштирган миллатни вужудга келтирган, ўша миллатни тараққиёт босқичига олиб чиққан, миллатнинг руҳий тақомилини чарчлаган, уни инсон деган онгли мавжудод эканлигини юзага чиқарган, тафаккурини, миллатнинг руҳини, гурурини вужудга келтирган олий неъматдир. Табиат бундай олий неъматни фақат инсонларгагина ато этган.

Тилга кўрсатилаётган бундай аҳтиром эса инсоннинг ўз тилига хурмати эъзози эътирофидир. Буюк Навоий эътироф этганидек, "Инсонни сўз айлади жудо хайвондин". Тил миллатнинг тарбиясини, унинг маърифатлилик, тарбияланганлик, зиеблилик, одоблилик, ахлоқлилик каби фазилатларини ифода эта оладиган, миллатнинг хуснтини кўрсата оладиган улуғ қадриятдир. Улуғ бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб "Одобнинг боши тилдир" деб таъкидлаганида жуда ҳақ эди.

Тилимизнинг ифодалаш имкониятлари жуда кенг. Бу имкониятлардан қайси бирини танлаш, мулоқот вазияти учун энг мақбул ифода ва услубни топшиш ва қўллаш сўзловчининг малакаси, тил имкониятларини қанчалик даражада эғаллаганига, малакасига, маънавиятига қолаверас, маҳоратига боғлиқ.

Ҳар бир тилнинг қудрати ва афзалликлари шу тилни яратган халқнинг ўзи билан ярасагина ривожланиб, ўсиб боради. Ўз халқидан ва сарзаминдан узилиб қолган тил табиий кучини, бойлиги ва гўзаллигини йўқота бошлайди. демак, эл борки, тил бор. Элдан узилмаган одам тилдан ҳам айрилмайди.

Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Ушбу сатрлар "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг асосий моддаси сифатида қайд этилган. Аммо қонунда қайд этилганими ёки йўқми бундан қатъий назар ўзбек тили — бизнинг она тилимиз. Бинобарин, у давлат тили бўладими-йўқми бундан қатъий назар уни асраб-авайлаш у тўғрисида қайғуриш, уни ривожлантириш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Албатта, ўзбек тилининг чуқнакам давлат тили бўлиши учун катта ва эътиборли ишлар амал-

ТИЛ – УЛУҒ НЕЪМАТ, ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

га оширилмоқда. Аммо давлат тили деган тушунчани давлатнинг тили деб тушуниш лозим. Бошқача эмас.

Тўғриси тани олиб айтиш лозимки, Давлат тили дастурини тўлиқ бажариш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Иш юритиш ҳақон кўнгини қорхона ва ташкилотларда, вазирлик ва идораларда рус тилида олиб борилиши қандай баҳолаш мумкин. Вазирлик ва идоралардан топшириқ битилган нома ва расмий хатлар рус тилида битилиши давом этмоқда. Бу нома ва топшириқ хатларга рус тилида жавоб ёзилишини қистайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида "лавҳалар, эълонлар, нархнома-лар ва бошқа кўргазмалар ҳамда озғак ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин." каби нормага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Афсуски, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ҳамма жойларда ҳам давлат тилида расмийлаштирилмоқда деб бўлмайди.

Қонуннинг 7-моддасида давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва тақомиллаштирилишини, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди, деб кўрсатилади. Афсуски, бу ўринда ҳам айрим атамалар бошбодқлик билан истезъмолга киритилмоқда. Ҳозирги замондаги нарса-ҳодисанинг номини ифодалаш учун, бу атама ҳозирги замон нарса-ҳодисасининг маъно-мазмунини

тўла ифодалай оладими ёки йўқми, бундан қатъий назар ўтган замондан атама қидириш анъанаси давом этмоқда. (Дорил-фунун – мадрасаи олия – олийгоҳ – университет; куллиёт – факультет; туман – ноҳия; газета – жарид; стадион – ўйингоҳ; аэропорт – тайёрагоҳ – учаргоҳ; самолёт – тайёра ва бошқалар) Ваҳоланки, ушбу модданинг учинчи қисмида "янги, илмий асосланган атамалар жамоатчи-

лик муҳокамасидан кейин жорий этилиши белгилаб қўйилган.

Ҳар қандай тил ички манба ва ташқи манба асосида бойиб боришидан тилшунос-олимлар яхши хабардор. Ички манбада тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўз ва терминларни ясаш, ҳосил қилиш назарда тутилса, ташқи манба эса бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришдир. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш тилни бойитиш, ҳозирги замонда ривожланиб бораётган илм-фан, техника, замонавий технологияларни номлаш уларни акс эттириш имкониятини беради.

Биз яшаётган ушбу дунёда халқлар орасида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, умуман инсоний муносабатлар мавжуд экан бир тилдан иккинчи тилга сўз ўтиш, сўз ўзлаштириш давом этаверади. Бу ижтимоий қонунят. Шу маънода сўз ўзлаштириш тилни бойитишининг энг мақсулдор усули ҳисобланади. Аммо қўллаб-ватандошларимиз бу тилнинг миллатлигига таъсир кўрсатади деган шубҳаларни билдирмади. Гап ўзлашма атама ва сўزلарни қандай қўллашга боғлиқ. Уларни ўринли, ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мос тарзда ишлатиш миллийликка таъсир кўрсатмайди, аксинча фойда беради, тилни бойитилади.

Тилда шундай қонунят мавжудки, у ёки бу сўз қайси тилда шаклланса, у шу тилнинг махсули, шу тилнинг бойлиги ҳисобланади. Тилимизнинг тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзи-

нинг тарихий тараққиёт даврида тилимизга қўллаб сўзлар ўзлашган ва улар ўзимизнинг тил бойлигига айланган. Уларнинг қайси тилдан ўзлашганлигини ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмаймиз, уларнинг маъно-моҳиятини тўла англаб етмаймиз ва уларнинг маъно қирраларини тушуниб етмаймиз.

Масалан, тилимизга араб тилидан қўллаб сўзлар форсий

ифодаларни англатадиган сўз ва сўз бирикмаларимиз мавжуд! Уларни қўллашга ҳолат бормикин? Бу ҳолатларни бартараф этшимиз керак.

Иккинчи ва ўта муҳим масала — бу шевалар масаласидир. Шевалар ўзбек миллий тилининг ажралмас бўлаги ҳисобланади, ўзбек адабий тилининг асоси ҳисобланади ва адабий тилнинг ривожланиши ва тараққиёти топши учун асос бўлади. Аммо алоҳида шеванинг ўзбек адабий ти-

лигига кучли таъсир этиши умумэътироф этилган адабий тилга салбий таъсир кўрсатади. Бунинг устига, телерадио, оммавий-ахборот воситаларида шеваларни тарғиб қилиш, оммавий ахборот воситаларининг айрим бошловчилари зўр бериб Тошкент шаҳар шевасида кўрсатувлар тайёрлаш ва эфирга узатиш, назаримизда, адабий тилимиз ривожига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши таин.

Афсуски, фикрини ўз она тилида аниқ ва лўнда ифода эта олмайдиган, чала сўзлайдиган, "топиб" эмас, "қопиб" гапирадиган миллатдошларимиз ҳам анчагина эканлиги ташвишларни холдир. Шу маънода нут-қий маданиятимизни ошириш борасида назарий ва амалий ишларни амалга оширишимиз зарур. Дарсликлар, илмий адабиётлар, ўқув қўлланмаларининг сифатини ошириш, миллий тушунчалар билан бойитиш билан бирга, омма орасида тил маданиятини кенг тарғиб қилиш, уни амалда қўллашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, ўзбек тилининг чинакам давлат тили бўлиши учун катта ва эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Она тилга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз зарурлиги эса бутун-гун куннинг долзарб вазифаси. Давлат идораларида тўла ҳуқуқ билан ишлатиладиган, иш юритиш давлат тилида олиб бориладиган тилгина чинакам давлат тили бўла олади. Ак ҳолда "давлат тили" шунчаки мақом бўлиб қолаверади.

Шу билан бирга тилда паратизмлар ҳам борки, афсуски, бундан ватандошларимиз қутилгани йўқ. Бу аралаш сўзлашдир. «Ну что, короче, хорошо, класс! прикольно! зарисовка кивотсизми!» каби ёшларимиз тилида «окей!, ес!» каби инглиз тилининг ифодаларини зшитамиз. Бу

тилимизга тез сингишиб кетган. Масалан "спорт" сўзи бутун дунёнинг тилларида қўлланиб келинади. Табиийки, бу сўз ўзлашган сўз ҳисобланади. Аммо спортчи сўзи ўзбек тилининг ички имконияти ва қонун-қоидалари, грамматик қўрсаткичлари асосида шаклланди. Хўш, спортчи сўзи қандай сўз ҳисобланади ва уни қайси тилнинг бойлиги деб ҳисоблаш керак. Бу сўз ўзбек тили бағрида шаклланди, демак ушбу тилнинг бойлиги ҳисобланади. Хулоса шуки, сўз ўзлаштириш тилни янги сўз ва терминлар билан бойитилади. Тилнинг имкониятларини оширади ва тилни ривожлантиради.

Шу билан бирга тилда паратизмлар ҳам борки, афсуски, бундан ватандошларимиз қутилгани йўқ. Бу аралаш сўзлашдир. «Ну что, короче, хорошо, класс! прикольно! зарисовка кивотсизми!» каби ёшларимиз тилида «окей!, ес!» каби инглиз тилининг ифодаларини зшитамиз. Бу

тилимизга тез сингишиб кетган. Масалан "спорт" сўзи бутун дунёнинг тилларида қўлланиб келинади. Табиийки, бу сўз ўзлашган сўз ҳисобланади. Аммо спортчи сўзи ўзбек тилининг ички имконияти ва қонун-қоидалари, грамматик қўрсаткичлари асосида шаклланди. Хўш, спортчи сўзи қандай сўз ҳисобланади ва уни қайси тилнинг бойлиги деб ҳисоблаш керак. Бу сўз ўзбек тили бағрида шаклланди, демак ушбу тилнинг бойлиги ҳисобланади. Хулоса шуки, сўз ўзлаштириш тилни янги сўз ва терминлар билан бойитилади. Тилнинг имкониятларини оширади ва тилни ривожлантиради.

Шу билан бирга тилда паратизмлар ҳам борки, афсуски, бундан ватандошларимиз қутилгани йўқ. Бу аралаш сўзлашдир. «Ну что, короче, хорошо, класс! прикольно! зарисовка кивотсизми!» каби ёшларимиз тилида «окей!, ес!» каби инглиз тилининг ифодаларини зшитамиз. Бу

Беғубор ва бахтли болалигини эслаганда кимни ёдига мактаб даврлари келмайди, дейсиз. Ха, ўша-ўша бино, ўша-ўша йўлақлар, ўша-ўша синфлар-у парталар. Деярли ҳеч нима ўзгармаган.

Лекин, энг ўзгармагани бу беғубор тонгдек қалбли, оналардек меҳрибон устозлар! Мактаб бағрида тиниб-тинчмай, ҳормай-толмай таълим-тарбия берган устозлардан 9 йил, лекин бутун умрлик сабоқ олдим.

Энг сеvimли, меҳрибон устозим Шодиева Мамлакат Муродқосимовна — ҳар бир ўқувчининг келажаги ҳақида чинқур қайғурадиган, фидойи устоз. Улар ёшлигимдан билим ва меҳр билан парвариш қилдилар. Нафақат у устоз, балки ҳар бир билим берган педагог қалбимизда қолади. Улардан олган чексиз, беминнат илми, меҳрни, синмас тарбия-

ни мен ҳеч нарсага тенглай олмайман. Негаки, биз уларсиз ҳаёт моҳиятини англай олармидик? Уларсиз дунёга тиниқ ва шаффоф ойна орқали қарашни ўргана олармидик? Энг асосийси, уларсиз ҳаётда ўз ўрнимизни топа олармидик? Албатта, йўқ. Ҳатто буюк инсонлар ҳам устози берган тарбия, кўрсатган тўғри йўл туфайлигина бу мартабага эришадди. Меҳри денгиз, қалби осмон, қадри тоғдек устозларни қанча ардоқласак, шунча оз.

Кўпчилик қатори, мажбурий таълимнинг қолган икки йилини академик лицейда давом эттирдим. Тўғриси айтсам, энди қийналсам керак, деб ўйлаган эдим: бегона жой, бошқа нигоҳлар. Лекин ҳар бир устоз меҳр уммони томчилари ила қалбимизни, илм хазинаси дурлари ила зехнимизни шунчалар суғордики, мен бу даргоҳни битирётганимда яна қанча бўлса ҳам шу ерда ўқишга тайёр эдим. Лицейимиздаги ҳар бир устоз биз ўқувчиларда

қаттиққўллик, ҳам меҳрибонлик ҳам неча йиллардан бери лицейимизни бошқариб келадилар. Улардаги самимийликка, улугворлик ва олийжанобликка шунчалар ҳавас қиламанки, қани энди мен ҳам уларнинг йўлларини борсам дейман. Даргоҳимизнинг энг жонкуяр, билимли устозларидан бири, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, гуруҳимиз

раҳбари Холжўраев Тўлқин Холжигитович бизларга беминнат, жон куйдириб сабоқ бердилар. Нафақат дарс вақтлари, ҳатто карантин даврида ҳам онлайн дарсларда сира тинганларийўқ. Улардан фанга оид қанчалик билим олган бўлсак, ҳаёт дарсидан берган билимлари, тарбиялари ҳам ундан оз эмас.

Тарих фани устозимиз-чи? Билим бериб толдим демайдиган, асаблари темирдан, керак бўлганда ҳар бирини билан алоҳида шуғулланадиган устозимиз бу — Султонов Темура домла. Яна инглиз тили фани ўқитувчиси Алишер Жабборов ҳам бизлар-

ўзига хос, тақрорланмас таассурот қолдирган. Аввало, директоримиз Форуза Солиева ҳам

раҳбари Холжўраев Тўлқин Холжигитович бизларга беминнат, жон куйдириб сабоқ бердилар. Нафақат дарс вақтлари, ҳатто карантин даврида ҳам онлайн дарсларда сира тинганларийўқ. Улардан фанга оид қанчалик билим олган бўлсак, ҳаёт дарсидан берган билимлари, тарбиялари ҳам ундан оз эмас.

Тарих фани устозимиз-чи? Билим бериб толдим демайдиган, асаблари темирдан, керак бўлганда ҳар бирини билан алоҳида шуғулланадиган устозимиз бу — Султонов Темура домла. Яна инглиз тили фани ўқитувчиси Алишер Жабборов ҳам бизлар-

ШОГИРД ЭЪТИРОФИ

нинг қалбимиздан ўзгача жой олган. Улар дарс давомида кайфиятини сақлаб, ҳаммани диққатини қаратадилар, баъзан жаҳллари чиқиб, бизга дакки бераётганида ҳам кўзларидан меҳрлари биллиниб туради. Лицейимизда бундай меҳрибон ва фидойи устозлар жуда ҳам кўп.

Менинг мақсадим ҳаётим давомида кадрдон устозларим Мамлакат Шодиева ва Тўлқин Холжўраев каби устозларим берган билим, тарбия билан уларнинг ишончларини оқлаш ва Ватанимиз қорига ярайдиган фидойи фарзанд бўлишдир.

Нафиса АБРАЛОВА, ЖДПИ академик лицейи битирувчиси.

Олисанмас яқинда, қадим эмас шу кунларнинг бирида, сиз-у биз каби инсонлар яшайдиган маконда менинг бир дўстим яшайди. Унинг исми мен ёшлигимда эшитган достонларнинг биридаги каби — Фарҳод. Унинг ўзига айтманг-у, менга Фарҳоднинг ўзидан кўра исми кўпроқ ёқади. Бу билан дўстимни ёқтирмайман деяётганим йўқ! Эсимни қачон таниган бўлсам Фарҳодни ҳам худди ўша вақтдан буён танийман. У мен учун доим ўрнак. Ҳар ишда, ҳар соҳада менинг шахсий қаҳрамоним айнан ўша дўстим бўлади. Аммо, дегим келмаябди-ю, барибир айтишимга тўғри келади. Фарҳоднинг бу "аммо"си бўлмаганида менинг бу ҳикоям ҳам бўлмасди, балки. Гап унинг ўта кўнгличанглиги ҳақида бораётди. Аслида бу фақат мен ва мен кабилар учунгина нуқсон бўлиши мумкин. Фарҳод ўқиган китобларда эса бу — энг улугъ фазилатлардан бири. Қотмадан келган, қошқўзлари қора, қўллари узун бўлган бу йигитнинг юраги анчагина катта эди. Қанча тазирини емасин барибир у аҳмоқ кучи етмаган ишларни ҳам қилишга уринаверида! У билан мактабни ҳам, коллежни ҳам бирга битирдик. Фақат институтда у билан бирга ўқиш менга насиб қилмади. Фарҳод коллежни битириб ўқишга киришга эриша олди. Ростда, ақл борасида у билан беллаша оладиган бутун мактабда фақат иккита қиз бор эди. Мен эса ҳозир унинг муваффақиятларини кузатиб тура оламан холос.

Олий билим даргоҳида ўқиш энди менга орзу бўлиб қолди холос. Ҳозир уй ва дала ишларида дадамга қарашаялман. Мактабдаги икки ақлли қиз ҳам ҳозир институтда ўқияпти.

Кунларнинг бирида ўша қизларнинг бири, синфдошимиз Дилсорани учратиб қолдим. Уни кўриб дилим хуноб бўлди. Кўришни ёмонлиги учун эмас, аксинча шаҳар уни анчагина ўзгартириб, чиройига чирой қўшган. Муаммо эса унинг ёнидаги йигитда. Йигит Дилсоранинг ёнида гирдиқапалак, Дилсоранинг кўзларида эса мен аввал ҳеч қачон кўрмаган ўзгача бир бахт бор эди. Менинг бўлса ичимда ўт ёнарди. Ўзим учун эмас, Фарҳод учун. Унинг муҳаббати учун жон деб бу йигитга Дилсоранинг ёнида ивиришиш қанақалигини кўрсатиб қўямдими, кўр-кўрона, жажл билан иш тутишдан аранг ўзимни тийдим. Бу одатни ҳам Фарҳоддан ўрганганман. Бу ҳақда унинг ўзига атайлаб айтмадим. У ўқишдан чалғимаслиги керак. Агар бу ҳақда Фарҳод хабар топса барча ишини йиғиштириб қўйиши тайин. Мана олти йилдирки унинг одати шу. Ўзининг ҳиссиётлари ҳақида Дилсорога на ўзи оғиз жуфтлаб гапира олади, на бошқасини гапиртиргани кўяди. Бу вақт орасида анави бахайбат йигитларнинг қанчасига катта кўчани кўрсатиб юбормадик дейсиз. Фарҳод қайтсин бунисини ҳам та-

зирини бериб қўямиз ҳали. Мен яхшиси ҳозирча бу йигитни кўздан қочирмай тураман деб ўйладим. Кейин маълум бўлишича у қўшни қишлоқдан экан. Уч йил аввал ҳарбий хизматдан қайтиб, ўша йили ҳозир Дилсора ўқиётган институтга ўқишга кирган. Келаси йил ўқишни битириши билан уйдагилари унинг бошини иккита қилишмоқчи бўлиб яқинда келин ҳам топишган экан. Қизиги шундаки, келин топилган бўлса-н Дилсоранинг ёнида нима

қўйди. Чунки у Фарҳодни ҳазиллашяпти деб ўйлаганди.

— Тушунмадим. Нега ундай деяпсан?

— Ахир чап қўл билан саломлашилмайдику. Ёки сен тарафларда шунақа кўришишадими?

— Ҳеч ҳам ундай эмас. Ҳамма жойда бир хил, сен билан мен каби ўнг қўлда саломлашишадими. Лекин нега бу қўлимни чап деяпсан?

— Чапни чап дейди-да. Ҳа майли, бу ҳазилинг ўхшамади. Уйда ишларим бор. Олган ки-

Кўзмунчоқ

қилиб ўралашиб юрибди? Аммо буни аниқлашимнинг иложи бўлмади. Аброр исмли бу йигит тўрт йилдирки қишлоқда бўлмагани учун уни танимаган эканман.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Фарҳод таътилда уйига келди. Уни уйдагиларидан кейин кўрган биринчи одам мен бўлсам керак. Лекин унинг кўриниши ҳавас қиларли даражада эмасди.

У озиб қолган, доим чақнаб турадиган кўзлари мунгли эди. Дўстим иродали йигит, ичидегани бировга сездирмайдди. Қалби тубидаги гамни эса юзидаги табассум билан мендан беркитишга ҳаракат қиларди. Ундан буни сабабини сўрамадигим дерсиз балки. Мен буни фойдаси йўқлигини жуда яхши биламан. Агар ўзи айтиб қолгудек бўлмаса уни гапиртириб бўлсиз!

Ўтган воқеаларни эса унга билатуриб айтмасам мендан ранжиши тайин. Осон бўлмади, лекин, бу ҳақда унга айтдим. Аммо мен кутган ғазабдан асар ҳам йўқ эди. Фарҳоднинг кўришишида заррача ўзгариш йўқ эди. Мен бу холдан ҳайратланар ва шунинг учунни нима қилишга ҳам ҳайрон эдим. Кейин эса тўсатдан унинг ўзи менга ёрилди. Дўстимнинг дардини бировга дoston қилади-дими одати йўқлиги, мен учун бу ҳолат антиқа бўлгани учун индамай уни тинглай олардим холос. Айтишича Фарҳод институтга киришидан бир неча кун аввал Дилсора билан учрашувга бир бахона топганда, антиқа совға олиб тўғри унинг уйига отланган. Уларнинг саломлашуви ҳам жуда галати бўлган.

Кўришиш учун Фарҳод чап қўлини узатади. Сизларга тушунарлироқ бўлиши учун ҳикоянинг давомини бу воқеага худди ўзим гувоҳ бўлгандек айтиб бермоқчиман. Шундай қилиб дўстимнинг бу ишидан ажабланган Дилсора шундай деди:

— Ёе, синфдош нима ўнг билан чапнинг ҳам фарқига бормай қолдингми?, — деб қулиб

тобингни қайтараман дегандинг, қани мен китобим?, — дейди ва яна мийғида қулиб қўяди. Фарҳоднинг эса қиёфаси ҳамон ҳиддий эди.

— Сенга нима бўлаяпти? Нималар деябсан? Ўнг билан сўлни фарқига бормайдиган аҳмоқ эмасдирман? Энди эса ҳеч бўлмаганда кўришиб кўрасан? деб ҳамон узатилиб турган қўлини силкиб қўйди.

Дилсора бу вазиятда ўзига ишонмай қолди. Ахир, Фарҳоднинг сўзлари ҳақ. У ўзига ишонмай дўстига қўл узатди, ўзи чап деб ўйлаган қўлини. Уларнинг қўллари учрашиши ҳамонқоқ Фарҳод чаптастик билан ўнг қўли ёрдамда иккинчи қўлидаги кўзмунчоқни Дилсоранинг қўлига ўтказиб қўйди ва унинг қўлини қўйиб юборди. Мана гап қаерда эди! Ахир кўзмунчоқ чап қўлга тақилади. Дилсора яна нима бўлганини англай олмай Фарҳодга сўз қотди:

— Бу нима қилганинг Фарҳод? Бу нима?

— Бу кўзмунчоқ! Шунчаки берсам олмаслигинг тайин эди. Мен бу...

— Дўстим ахир буни...

— Илтимос фақат ҳозир гапимни бўлма. Бўлмаса ҳаяжонланганимдан сўзимни йўқотиб қўман. Мен буни жуда тўғри тушунганман.

— Ҳўш бу кўзмунчоқни нега менга бераяпсан?

— Гапимни охиригача эшитгин ахир! Қиз бола оиласини шанини кўтариб юради. Сен шунинг учун ҳам бундай қилишга мажбурсан ва бугунга қадар

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш-этади жон,
Одамларнинг меҳр кўеши.
Эркин ВОҲИДОВ

ҳам жуда яхши уддалаб келган-сан. Балки шунинг учун ҳам сени яхши кўраман. Ҳа, яхши кўраман. Доим шундай бўлиб қолишингни хошлайман. Энди сен талабасан. Яқинда ўқиш учун шаҳарга жўнаб кетасан. У ер сени озми-кўлми ўзгарти-

кириб кетгандан сўнг Фарҳод кўзмунчоқни жажл устида узиб, доналарини сочиб юборади.

Энди менга воқеа анча ойдинлашганди. Тўғриси айтганда Фарҳодга қўйил қолмади. Қандай қилиб шунча йил курашган муҳаббатини бошқа бир инсон тортиб олишига жим қараб туриши мумкин? Бу унга хос эмасди. Аччиқ бўлса-да, унга бу ҳақда айтдим.

— Фарҳод сен кўрқоксан. Агар шу ишни аввалроқ қилганинга эди ҳозир бу аҳволга тушмас эдинг. Шу пайтга-ча унинг қўлини ушлаш тугул бир оғиз ширин сўз айта олмагансан. Етмагандек ўзинг билмаган инсоннинг қўлига уни индамай топшириб юбораяпсан. Сени бунақалигингни билмаган эканман.

— Дўстим, мен бу ҳақда ўйламаган эмасман. Сен ҳақсан. Унга шу вақтга қадар ҳеч кўнглимдаги гапни айта олмадим. Аммо менимча у бу ҳақда биларди. Фақат ўзимдан эшитмаганди. Бордию бу ҳақда оғиз очсам уни ақлини шошириб ўзимга оғдириб ола олардим холос. Менга эса бундай ўткинчи муҳаббат керак эмасди. Шунинг учун бундай қилмадим. Жўфти ҳалолим бўлганда қизини қўлини ушлаш мен учун харом иш. Етмагандек бу Оллоҳ яратган нозик ҳилқатинг оқиб тарафидан, яъни ҳиссиётларга берилувчанлигиндан фойдаланишинг ўзингисан. Сен айтган йигитни ҳам топдим, у билан гаплашиб кўрдим ҳам. Ҳақиқатдан ҳам у аввал биз тазирини берган йигитларга мутлақо ўхшамайди. Ўзинг ҳам биласан Дилсора ҳам анойилардан эмас. Агар у ёмон йигит бўлганда Дилсорани кўнглига ҳам, йигитнинг келбати ҳам эътибор бермай уни танобини тортиб қўйган бўлардим. Устига-устак уни менда кўнгли йўқ экан, мендан кетишининг йўлини албатта топарди.

— Бордию у Дилсорани алдаб кетсачи?

— Мени бу вазиятда Дилсоранинг танловига ишонишдан бошқа чорам йўқ. У Аброрга боғланиб қолган. Улар орасидаги муносабатнинг бузилиши энди ҳеч биримизга яхшилик келтирмайди. Мен унинг шахсий ҳаётига аралашшим бу қизнинг номига доғ бўлиб тушиши мумкин. Дилсора ҳақ эди. Менинг мўъжизам ҳақиқатдан ҳам кечикди. Энди бўлган воқеалардан хулоса чиқариб, ҳиссиётларимни жиловлаб олишим керак. Бўлган воқеалардан анчагина сабоқ олдим. Мен шунга ишонаманки ўз қилган ишим учун афсусланмайман ва барчасини тўғри баҳардим деб ўйлайман.

Шу суҳбатимиздан кейин Фарҳод билан таътил туғаунча ҳам тузуқроқ гаплаша олмадим. Аммо шуниси аниқки бу тинмасвой қаердадир ўз ҳақиқати учун курашиб юрибди.

Отабек НУРАЛИЕВ,
физика-математика
факультети
талабаси.



ҲИКОЯ

Газетамизда бериб борилаётган материалларни телеграмм каналимизнинг қўйидаги манзили @ziyu_nevuz орқали кузатиб боринг. Биз билан боғланиш: +998995062246, +99893 298 22 12



Самарадорлиги 90 фоиздан ортиқ бўлган илк вакцина пайдо бўлди

Германиянинг BioNTech компанияси билан биргаликда ишлаб чиқилаётган коронавирусга қарши вакцинанинг инсонларда ўтказилган дастлабки синов натижалари 90 фоиз самарадорлик кўрсатмоқда.

Хитой вакцинаси Тошкентга олиб келинди

Вазир режадаги ишлар ҳақида маълумот берди. Бугун, 7 ноябрь куни Инновацион ривожланиш вазирлигида коронавирусга қарши вакцина синовининг учинчи босқичини Ўзбекистонда ўтказишни ташкил этиш борасида учрашув бўлиб ўтди. Kip.uz мухбири хабар беришича, ўзаро мулоқотда вакцина синовларини амалга ошириш тартиби келишиб олинган.

Вакцинанинг учинчи фазадаги синови 27 июль куни бошланганди
Ушбу синовларда қатнашаётганларнинг вакцина олганларида қолганларига қараганда 90 фоизга яхшироқ натижа кузатилган (Кўнгиллиларнинг ярми ҳақиқий вакцина олмайди, тенг ярми ҳақиқий вакцина олади. Бу плацебо усули дейилади).

Вакцинанинг самарали таъсирини эмлаш бошлангандан 28 кун ўтиб билиш мумкин – бу вақтда беморга икки доза юборилади. Тадқиқотда жами 43 минг 538 нафар кўнгилли иштирок этмоқда. Уларнинг ҳеч бирида вакцинанинг ноҳуя таъсири кузатилмаган.

Pfizer бу натижаларни "фан ва инсоният учун кун" деб таърифлаган. Компаниядагилар яқин вақтлар ичида барча статистик маълумотлар таҳлил қилиниши, шундан кейин натижалар илмий журналларда нашр этилиши, компания эса вакцинани тарқатиш учун меъёрий рухсатномани олишни бошлаши мумкинлигини қайд этишган.

Pfizer 2020 йил охирига қадар бозорга 50 миллион дозада вакцина етказиб берилиши, кейинги йил мобайнида бу миқдор — 1,3 миллиард дозага етказилишини маълум қилган.

Коронавирусга чалинганда истеъмол қилиш тақиқланган маҳсулотлар маълум қилинди

Россиялик терапевт шифокор Филипп Кузьменконинг таъкидлашича, организмда сув-туз балансини меъёрида ушлаш лозим. Кўпроқ сув ичиш, шўр таомлар, мисол учун, тузланган бодринг, тузланган балиқ истеъмолидан қочиш лозим.

Спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик лозим, чунки у организмнинг сувсизланишига олиб келади.

Шифокорнинг таъкидлашича, шўр таом қонни қуюлтиради, бу эса коронавирусга чалинганда зарарли ҳисобланади. "Туз тўқимадаги сувни тортиб олади, томирларда эса қоннинг



қуюқлашиши юз беради. Бу эса коронавирусга чалинганларга салбий таъсир кўрсатади", деб таъкидлаб ўтган мутахассис.

Аввалроқ ҳам шифокорлар коронавирусга чалинганликда спиртли ичимликлар хавфли бўлишидан огоҳлантиришган. Коронавирусда спиртли ичимликлар қоннинг қуюқлашишига олиб келади, ваҳоланки коронавирус инфекциясининг асратларидан бири тромбоземболия, яъни ҳаётий муҳим қон томирларининг тромб билан берқилиб қолиши ҳисобланади. Шу сабабли алкоголь беморнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, алкоголь коронавирусни даволашда белгиланадиган дорилар билан номуносив ҳисобланади.

Коронавирусни аниқ кўрсатадиган 3D-модел яратилди

Саудия Арабистонида қирол Абдулла номидаги фан ва технология университети олимлари коронавируснинг энг аниқ 3D-моделини яратди.

Муассаса сайтининг маълум қилишича, модели яратиш учун оксиллар маълумотлар базаси ва микроскоп ёрдамида олинган тасвирлардан фойдаланилган.

Олимларнинг сўзларига кўра, уларнинг модели SARS-CoV-2 вирусининг замонавий тузилишини атом даражасида очиб беради ва илгари кўриш мумкин бўлмаган қисмларини намойиш этади.

"Бизнинг моделимиз шунчаки липид мембранасига ихтиёрий жойлаштириб чиқилган бошоқли оксилларни эмас, ҳозирги кунда бизга маълум бўлган вируснинг тулик ультратузилмасини кўрсатиб беради", - дея таъкидлади тадқиқот муаллифларидан бири Нган Нгуен.

Олимларнинг фикрича, уларнинг модели вируснинг аввал ўрганилмаган қирраларини тадқиқ этишга ҳамда COVID-19 га қарши дориларни яратишни тезлаштиришга ёрдам беради. Соғлом турмуш тарзи ўқув дастурларига киритилади.

Уйда қайси буюмларни биринчи навбатда дезинфекция қилиш керак?



Смартфон. Сиз ҳар куни кўчада, уйда ва ишда телефонингиз билан биргасиз. Тадқиқотчилар хулосаларига кўра, телефон вирус юқиши мумкин бўлган энг хавфли юза ҳисобланар экан. Сиз қанчалик кўлингизни тез-тез дезинфекцияласангиз ҳам, телефонни эътибордан четда қолдирсангиз, бу самара бермайди.

Компьютер клавиатураси. Ушбу қурилмадан доимий фойдаланасиз ва у вирус ва микроблар ташувчисига айланиши аниқ. Клавиатурани спирт билан тозалаш бироз мушкулроқ, чунки анча ичкарида жойлашган. Клавиатурани тозалашда соч қуритгич ёки қўл вентиляторидан фойдаланиш фойда беради.

Эшик тутқичлари вирус ва микроблар энг кўп тўпланадиган жой эканлигини жуда яхши биламиз. Айнакча, ваннахона ва хожатхона эшиклари тутқичларини доим дезинфекциялаб туриш лозим.

Жўмрак тутқичлари. Кўчадан келишимиз билан жўмрақни очиб юзқўлимизни ювамиз. Лекин жўмрак тутқичларини ювиш ёдимиздан кўтарилади.

Иш столи. Пандемия туфайли кўнчилик одам уйда масофадан туриб ишламоқда. Иш столи олдида асосий вақтимизни ўтказамиз.

Телевизор пултдан фақат бир киши эмас, барча оила аъзолари фойдаланишини ҳисобга олсак, уни тез-тез дезинфекциялаш зарур.

"Вирусдан тузалган баъзи беморларда руҳий муаммолар кузатилмоқда"

Оксфорд университети олимлари COVID-19 билан оғриган беморларда руҳий касалликлар пайдо бўлиши хавфи юқори деган хулосага келишди.

Шу мавзудаги илмий иш "The Lancet Psychiatry" илмий журналида нашр этилди.

Тадқиқотда 69 миллион кишининг электрон тиббиёт қайдлари, шу жумладан 62 000 дан ортиқ COVID-19 билан касалланганлар ўрганилди. 20% беморларда 90 кун ичида психологик муаммолар, хусусан: ташвиш, депрессия ва уйқусизлик кузатилган - The Lancet

Ниқоб тақмаслик...

Коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, ниқоб тақмайдиган фуқаролар COVID-19 ташувчиси ҳисобланади. Соғайгандан сўнг, вирус юқори нафас йўлларида сақланиб қолади, одамлар уни тарқатишда давом этади.



Антисептик воситалар ҳақида нималарни биламиз?

Антисептик воситалар — тери, тана бўшлиқлари, жароҳат юзаси ва бошқа жойлардаги касаллик кўзгатувчи микробларга нисбатан кушандалик хусусиятига эга моддалар.

Улар одамга унчалик таъсир қилмайди, асосан, дезинфекциялаш, тери ва шиллиқ пардаларга суртиш, жароҳатлар ва тана бўшлиқларини чайиш учун ишлатилади.

Антисептик воситаларга:

- Галогенли (хлор, йод ва бошқа) бирикмалар;
- хлорамин;
- пантоцид;
- Люгол эритмаси;
- йоднинг спиртдаги эритмаси;
- йодоформ ва бошқа оксидловчилар (калий перманганат, водород пероксид);
- симоб (сулема, симобли суртмалар);
- кумуш (ляпис, протаргол) бирикмалари;
- спиртлар;
- феноллар (карбол кислота);
- баъзи бўёқлар (риванол, метилен кўки, бриллиант яшили ва бошқалар) киради.



Интернет материаллари асосида тайёрланди

ОТМларда анъанавий ўқиш бошланади

Республика комиссиясининг 2020 йил 12 ноябрдаги йиғилиши қарорига мувофиқ барча олий таълим муассасаларида жорий йилнинг 16 ноябрдан олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва режа-график асосида ўқув жараёнини анъанавий шаклда давом эттириш белгиланди.

Олий ва ўрта махсул таълим вазирлиги

Антитаначалар ҳақида

Антитаначалар тери остига ёки томирга оксил табиатли модда (антиген) киритилганда, унга қарши ҳосил бўлади. Антитаначалар, асосан, қон зардобиде тўпланади.



Бундай қон зардобига касаллик кўзгатувчи микроб токсинидан араштирилса, зардобдаги антитаначалар токсинни нейтраллайди.

Антитаначалар бўлган қон зардобига микробнинг ўзи аралаштирилса, зардобдаги антитаначалар микробни бир-бирига ёпиштириб, гуж қилади (агглютинация), баъзан эритиб юборади (лизис), айрим ҳолларда антигенни чўктиради.

Антитаначали қон зардоблари, хусусан, гамма-глобулинлар дифтерия, қизамиқ, қочқол, газли гангрена, грипп ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш мақсадида кенг қўлланилади.

ТАЛАБАЛАР ИЖОДИДАН



Куз шамоли

Исиз ёзинг ортидан зумда
Етиб келди кузнинг шамоли
Тўкиларди дарахтлар барги
Лекин турар беҳи дарахти.

Ўтди кунлар қолди битта барг
Шу дарахтни этмади у тарк.
Дарахт хурсанд бўларди ҳар кун
Лекин шамол бўлди ўша тун.

Чирт узилиб тўкилди япроқ
Ва тупроққа қоришиб кетди.
Шамол қургур хазонни шу чоқ
Ўзоқларга учириб кетди.

Мунгайди дарахт бечора,
Қуруқ тани иланиб турар.
Куз кузлигин қилди начора,
Қисматиға энди тан берар.

Муборак НАЗАРОВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.



**Бахтни
ўйла...**

Эссиз дема исиз кетганга,
Хайлиндан унга берма жой.
Бахтни кунлар чорлаган вақти
Ҳижрони бор тунга берма жой.

Ўтган кунга зилдан термулма,
Қадам қўйма эски йўлларга.
Эркинлиги бер бари сенга деб,
Қўлларингни тутган қўлларга.

Ўтмиш ўтди, кетди кетганлар,
Очилдику янги бир бароқ.
Бу бароққа шундай ёзгин-ки,
Ўтмиш ҳақда қолмасин сўроқ.

Сени бахтлар кутиб турганда
Дадил қадам ташла у томон.
Қувончлардан юрак урганда
Бахт ҳақда бўлмасин сўроқ.

Бахтни ўйла, бахтни куйлагин...
Менга фақат ундан сўйлагин...

Мурод КОМИЛИЙ,
миллий гоя ва маънавият
асослари, ҳуқуқ таълими
ўналиши талабаси.

Онажоним

Сочларингда оқ оралаб қолибди,
Юзларингда ажинлар тус олибди,
Кўзларингдан нур ҳам йўқолибди,
Онажоним ҳам кексайиб қолибди.

Ўйин-қулгу дея парво қилмабман,
Нима хизмат бор дея бир сўрмабман.
Кўнглини бир бора шод этмасдан
Онагинам кексайганин билмабман.

Бизлар она қадрин билмайсиз,
Ақалли бир марта ҳолин сўрмаймиз.
Дунёда энг буюк зот — онажонлардир,
Сиз каби зотларга таъзим қилгаймиз.

Камола ИРИСЕВА,
Ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.




Замонамиз

Ажратилмас ёлғонми, рост,
Битта сўзда минг кўфр жам.
Китобларда номус ва ор
Қолиб кетди диёнат ҳам.

Яралибди лойдан инсон,
Яралганми хиёнат ҳам.
Қурбон пайдо бўлган кун,
Пайдо бўлди омонат ҳам.

Бирда гурбат, бирда қулгу,
Тақдир азал, инсон мубҳам.
Кўнгли рангдор, сочда оқлар,
Фойда бермас шикоят ҳам.

Сўйла инсон, нега келдинг?
Анголмассан, мақсадинг не?
Нафсинг учун рабон елдинг,
Пайдо бўлди жиноят ҳам.



Токи тирик бўлса шоир,
Гуллар, яшнар элатлар ҳам.
Қувонч қўшмоқ учун бўлар,
Сабоҳат ҳам, фасоҳат ҳам.

Давлат УСАНОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
факультети талабаси.



КУЗ — АЙРИЛИҚ

Куз келганди, япроқлар албон,
Совуқ тунлар — сочингдек узун.
Соғи шалоласи юзингдек тинган,
Қўёшинг нури ҳам негандир маҳзун.

Орзулар чапмаси олислаб оққан,
Тарк этган муҳаббат изидан қувиб.
Энди келмайман деб олисга кетган,
Мен қолдим, юзини ёмғирлар юиб.

Ортимизда қолар туморли йиллар,
Хиёбонда эса унисиз ўриндик.
Соғинг азобидан қийналди диллар,
Кеча бахтли эдик, бугун — айрилиқ.

Ганишер ЗИЁДУЛЛАЕВ,
чет тиллар факультети талабаси.



АЙТГИН ОНАЖОН

Майли, ҳаром бўлсин ичган бу ошим
Майли, садқа бўлсин сенга бардошим,
Майли, бошиларга тегмасин бошим,
Онажон бағринга бош қўйгим келар.

Кечиргин, мен ношуд болангни энди
Қалбингни нур ила ёритолмадим.
Зулматнинг эшигин очдимми энди?
Онажон, мен сени унуттолмадим.

Мен ҳам сенга атаб битдимми алёр?
Ўзим ўзимдан ҳам қилдим энди ор,
Аммо, дуоларинг ҳар дам менга ёр,
Онажон, кўнглингни топайми энди,
Ёки йироқларга кетайми энди?

Мухлиса АХМАТОВА,
дефектология ўналиши
талабаси.

ТИЛАК

Менга орзу тиланг,
тилақларингиз —
Эзгу мақсадимга
етказсин мени.
Оппоқ йўллар тиланг
"йўлақларингиз"
Синов, тузоқлардан
ўтказсин мени.

Менга ақл тиланг, омадни эмас,
Зеро, ақлим бўлса кулар омадим.
Яқинлар фахрини, барини, хулаас,
Шулар омон бўлса тикдир омадим.

Менга сабр тиланг, жафони энгай,
Кўрай бу кунда ким дўстман бегай.
Сизнинг сўзингизга амал қилиб мен,
Ҳашимат онларнинг қадрига етай.

Адолат УСКИНБОЕВА,
бошланғич таълим факультети
талабаси.



МУАССИС:
Абдулла
Қодирий
номидаги
Жиззах давлат
педагогика
институту

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Масъул муҳаррир: Абдуғаффор АБДУРАХМОНОВ

Тахририятга келган хатлар доимий диққат-этиборимизда бўлган-
ни сабабли муаллифларга қайтарилмайди.
Газетадан кўчириб босиш фақат тахририят ёзма рухсати билан
амалга оширилади.

МАНЗИЛ:

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси
4-уй. Жиззах давлат педагогика институту
Маънавият ва маърифат маркази биноси

Жиззах вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006-йил 26-декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.
Ойига бир марта чоп этилади.
Баҳоси эркин нарҳда

Gazeta «Niso Poligraf»
bosmaxonasida A-3 formatida
chop etiladi.

Адади: 1500. Бюртма
№ 656.

Корректор: Л. АБДУКАРИМОВА

Босишга топширилди: 17.11.2020 - 11:00

**Босмахона
манзили:**

O'rta Chirchik tumani,
«Mash'al» mahallasi,
Markaz -1.